

ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИБ БОРИШ МАСАЛАЛАРИ

Шопулатов Абдумалик Нуруллаевич

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти
“Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси

Тошкент .2015

ИЛМІЙ ВА ИЛМІЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИБ БОРИШ МАСАЛАЛАРИ

Шопулатов Абдумалик Нуруллаевич
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти “Фалсафа” кафедраси катта
ўқитувчиси

Бизга маълумки, инсоният цивилизацияси ҳамма вақт онг ва тафаккур тараққиёти, унинг бекиёс куч-қудрати, яратувчилик даҳоси билан тарихда буюк силжишлар қилган. Турли даврларда, минтақаларда, ҳолатларда юз берган бундай ҳодисалар инсон ва жамият тараққиётини юксак чўққиларга олиб чиққан. Бу чўққиларга қайси бир миллат ўз ҳиссасини бошқа бир миллатга нисбатан кўпроқ қўшган. Ҳиссаси кўп миллатнинг тарихи ва маданияти ҳам бошқа миллатникига нисбатан улуғдир. Бу улуғлик шу миллатнинг миллий ғурури билан ҳам боғлиқдир. Миллий ғурур миллатнинг барча соҳаларда эришган ютуқлари билан ўсиб боради. Чунки ҳар қандай давлатнинг қудрати тўғридан-тўғри ана шу давлат тенг ҳуқуқли фуқароларининг маънавий қиёфаси, ички дунёсининг бойлиги билан боғлиқдир. Бундай мамлакатларда меҳнатга муносабат ва ишлаб чиқариш маданияти фуқароларнинг ички маданияти билан уйғунлашиб кетган бўлади. Аслида эса миллий ғурур соф инсоний фазилат, энг покиза, шабнам янглиғ беғубор туйғу. У инсоннинг ҳар бир ҳужайрасига сингиб кетган мўътабар ҳиссиёт. Миллий ғурури кучли бўлган киши ўзининг миллий қадриятларини асраб-авайлайдиган, яъни Ватан, Она замин, Миллат ва миллатлараро муносабатларнинг ноёб қадрият эканини бутун вужуди билан англайдиган ва уни қадрлай биладиган кишидир. Бугунги ўтиш даврининг энг катта рухий-маънавий эҳтиёжи миллий ғурур туйғусидир. Ёшларимиз миллий ғурур туйғусини кучайтиришда халқимиз ўтмишини ва бой тарихини чуқур ўрганиш, жаҳон тараққиётида юксак ўрин тутган Шарқ маданиятини пухта эгаллаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугун кимларнингдир наздида биз мустақилликни осонгина қўлга киритгандекмиз, лекин бу йўлда қанчадан-қанча ота-бобаларимиз ўз жонини фидо қилганлигини буюк ва шонли тарихимиз исботламоқда. Шунингдек, бугунги глобаллашув асрида, бизни мустамлакачиликнинг бошқа бир турлари орқали яна ўзининг мустамлакаси қилмоқчи бўлган кучлар ортиб бораётганлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Глобаллашув даврида қайсики мамлакат “...биринчи навбатда, эришган натижалари билан кифояланмасдан, дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнидаги ўз ўрнига ҳаққоний ва танқидий баҳо берадиган, даврнинг тобора ортиб бораётган талабларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин”¹. Бундай тез ўзгаришлар руй бераётган жараёнларда истиқлолни англаш, уни асраш халқимиз учун муқаддас вазифадир. Истиқлол – ўз тақдирига эғалик қилиш ҳуқуқи, маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таяниб яшаш ва юртимиз бойликларидан халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш имконияти эканлиги бугунги кунда барчамиз англаётган ҳақиқатдир. Чунки “Муайян ижтимоий воқеликка (яъни, инсоният тараққиётининг бирон-бир даврига, жамиятнинг ривожланиш босқичи ёки давлат шаклига) муайян ғоявий-мафкуравий тушунча ва тамойиллар тизими мос келганидек, ўзгарган ижтимоий воқеликка ҳам ўзгарган ғоялар тизими мос келади. Шу маънода, ҳар қандай миллат ва жамият ўзига хос ва мос ғоялар тизимини яратиши, уни такомиллаштириб бориши, турли хуружлар ва таҳдидлардан муттасил ҳимоя қилиши лозимлиги инсоният ҳаётининг абадий қонунидир. Шу нуқтаи назардан ҳам шахснинг ғоявий дунёси, унинг эътиқоди ва дунёқараши шаклланиш даражаси мазкур жамиятда амал қилувчи қадриятлар ва анъаналарга қанчалик мос келиши билан белгиланади. Шунинг учун ҳам биз ўсиб келаётган ёш авлодда туғилиб ўсган юртига

¹ Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан! тузувчи: Қ.Назаров ва бошқ.-Т.:Ўқитувчи, 2011.-Б.9.

муҳаббат туйғусини шакллантиришимиз керак бўлади. “Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”². Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бугунги жамиятимиз ва давлатимиз олдидаги муҳим масалалардан биридир. Бугунги кунда биз “бозор муносабатларига” асосланган иқтисодиётни бутун бир онгушууригимиз билан англаб етмасдан, уни ривожланишига туртки бўладиган миллий-маънавий қадриятларимизни аниқлаб, уларни шаклланишига олиб келадиган омилларни ривожлантирмасдан ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишимиз қийинлашаверади. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосида эса меҳнат ва ишлаб чиқариш муносабатлари ётади.

Албатта, бозор муносабатларига иқтисодий омилларнинг танҳо ўзи билан ўтиб бўлмайди. Бу соҳада маънавиятнинг аҳамияти беҳад катта. Одамларда имон, виждон, ҳалоллик, бировнинг ҳақини ейишдан қўркиш, одамгарчилик, меҳр-мурувват, диёнат сингари шарқона маънавий-ахлоқий қадриятлар, ҳислат ва фазилатларни шакллантирмасдан, мустаҳкамламасдан туриб, бозор муносабатларига муваффақиятли равишда ўтиб бўлмайди. “Шу сабабли биз маънавий-руҳий тикланиш ва покланиш муаммоларига алоҳида аҳамият беряпмиз. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида, юксак ахлоқийлик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин”³.

Жамиятда янги иқтисодий қадриятлар тизимини шакллантиришда кишиларнинг руҳиятини ўзгартириш, уларда ислохотларнинг талабига мос келадиган янги тафаккур тарзини шакллантириш ниҳоятда муҳим. Агар кишиларнинг онгида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятларига ишонч руҳи пайдо бўлмас экан, унда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг иложи йўқ.

Бу борада Ватанига содиқ, миллий қадриятлар руҳида тарбияланган, етук тафаккурга эга бўлган илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш барча даврларда давлат ва жамият тараққиётини белгиловчи омиллардан бири бўлиб келган. Зеро, инсонни шахс сифатида шаклланиб боришида таълим-тарбия ҳамда илмий-тадқиқотлар асосида шаклланадиган кўникмаларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Ўзбекистонда ушбу тизим доирасида бугунги кунга қадар бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, кадрлар тайёрлаш қонуни ва миллий дастурининг қабул қилиниши соҳанинг ривожланишида муҳим қадамлардан бири бўлиб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4456-сонли Фармони асосида илмий-педагогик кадрларни тайёрлашнинг бир босқичли тизимга ўтилиши мамлакатимизда илмий-педагогик кадрларни тайёрлашнинг замонавий талаб ва меъёрлар асосидаги босқичга кўтарилишини таъминлади.

Замонавий талабларга жавоб берувчи кадрларни тайёрлаш борасидаги барча ҳукукий қоидалар ва талаблари қабул қилинган бўлсада амалиёт бу соҳада бир қанча муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Айниқса, Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятнинг камайиб бориши, илмий-тадқиқот ишларида профессор-ўқитувчиларнинг ўқувсизлиги бундай муаммоларни бартарф этиб бориш бўйича тизимли дастурларни ишлаб чиқиб, уларнинг изчиллигини таъминлашни зарурият қилиб қўймоқда. Давлатимиз ўзининг дастурлари доирасида илмий-тадқиқот лойиҳалар танловини ташкил қилиб келаётгани, ундан ташқари нодавлат, нотижорат ташкилотлар фаолиятини рағбатлантириш, ушбу ташкилотлардаги муаммоларнинг илмий ечимларини топиш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги муаммоларни бартараф этиш бўйича лойиҳалар эълон қилиб келаётган бўлсада, ушбу

² Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман.// Фидокор, 2000 йил 8 июнь.

³ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -3-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.- Б.275.

танловларда маълум бир соҳа вакиллариининг фаол иштироки сезилмаябди ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг бундай танловларга бўлган қизиқиши тобора камайиб бормокда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича кадрларда илмий лаёқатнинг ривожланмаётганлигининг асосий сабабларидан бири улардаги билим, кўникма ва малакаларнинг талаб доирасида шаклланмаётганлигидир. Ҳозирда замонавий талаблар доирасида бажарилаётган диссертациялар лойиҳалар асосида бажарилаётганлиги мамлакатимизда таълим тизимини илмий-тадқиқот ишлари билан боғлашни янада чуқур изчиллик билан ривожлантириб боришни тақоза этмокда. Бу борада ёшлардаги интилиш ва қизиқиш лаёқатларини инобатга олиш билан бирга илмий-тадқиқот ишларида иштирок этишларини таъминлаш, лойиҳаларни тўғри расмийлаштиришни ўрганиш, маълумотларни электрон тармоқларда тўғри жойлаштириш кўникмаларини шакллантириб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, лойиҳаларни тайёрлашдан кўра уларни тўғри расмийлаштиришни ўрганиш ва билиш бугунги кунда муаммоли вазиятлардан бири бўлиб қолмокда. Чунки, катта авлод лойиҳаларни ишлаб чиқишни билсада, электрон тармоқларда ишлай олмаслиги, кичик авлод электрон тармоқда ишлай олсада, лойиҳаларни ишлаб чиқиш малакасига эга эмаслиги икки авлод ўртасида илмий ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириб боришини кўрсатмокда.

Умуман, ушбу йўналиши доирасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва кўзга ташлаёнаётган муаммоларнинг моҳиятларидан келиб чиқиб қўйидаги хулоса ва таклифларни бериш мумкин: **биринчидан**, профессор-ўқитувчи ва олимларнинг касбий жиҳатдан жамиятда тутган ўрнини, нуфузини ошириш зарур. Чунки ёшлар орасида бугунги кунда кўп даромад келтирадиган соҳаларга интилиш, ушбу соҳаларнинг жамиятдаги нуфузи тобора ошиб бораётганлиги ўқитувчи ва олим касбига бўлган қизиқиш ва интилишнинг сусайиб бораётганлигини кўрсатмокда. Ҳатто, ўқитувчи ва олим касблари қадрининг йўқолиши бу тизимга етарлича билим ва малакага эга бўлмаган кадрларнинг келиб қолишини кучайтирмокда; **иккинчидан**, илмий-педагогик кадрларни тайёрлашда улардаги илмий-тадқиқотларда ишлаш кўникмаларини ҳам ривожлантириб бориш зарур. Хусусан, эълон қилинаётган лойиҳалар танловида ёш олимларга алоҳида ўринлар ажратиш ҳамда лойиҳа раҳбарларининг илмий даражаси бўлишини шарт қилиб қўймаслик мақсадага мувофиқ ҳисобланади; **учинчидан**, бажарилаётган малакавий ишлар ва магистрлик, докторлик диссертациялари амалиёт билан боғлаш, олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этилишини назоратга олиш кадрларнинг ўз ишидан қониқиш ҳиссини ҳосил қилиш, қолаверса амалга оширган ишининг натижасини кўриш имкониятини бериши уларда фоллик даражасининг ўсиб боришида катта руҳий мадад бўлиб хизмат қилади; **тўртинчидан**, институтда илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш ҳамда ёш мутахассисларни қуллаб қувватлашда уларнинг илмий изланишлари натижалари ёритиб боришга ёрдам кўрсатиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, олий таълим муассасалари журналлари саҳифасида ёш олимлар учун алоҳида бўлим ташкил қилиш ҳамда ушбу бўлимда ёш олимларнинг илмий изланишларини нашр этиш, шахсий иш режаларида кўрсатилган илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган илмий тадқиқот ишлари мавзулари (докторлик диссертациялари) билан мувофиқлаштириш ўз самарасини беради; **бешинчидан**, профессор-ўқитувчиларда илмий-иждоийлик кўникма ва малакаларини шакллантириш, ривожлантиришда илмий анжуманлар, семинар ҳамда давра суҳбатларини ташкил этиб бориш муҳим ҳисобланади. Кафедраларнинг илмий-тадқиқот йўналишлари негизида илмий семинарлар ва давра суҳбатларини ташкил этиш, уларда соҳа бўйича етук мутахассисларнинг маърузалари билан иштирок этишларини ташкиллаштириш ёш мутахассисларда ўз соҳасининг долзарб муаммолари моҳиятини англашда, чуқур ўзлаштиришда зарур воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Институтларда бундай тадбирларнинг режасини тузиш, назоратини таъминлаб бориш, аммавий ахборот воситалари ва “ZiyoNET” интернет тармоғида ёритиб бориш яратилаётган

янги методлар, илмий янгиликлар ва назариялар, фикрлар, қарашларни оммавийлаштириш имкониятини беради.